

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 730-ҳадис

730 - عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَلِّمُنَا الْإِسْتِحَارَةَ فِي الْأُمُورِ كُلِّهَا كَالسُّورَةِ مِنَ الْقُرْآنِ، يَقُولُ: إِذَا هَمَّ أَحَدُكُمْ بِالْأَمْرِ، فَلْيَرْكَعْ رُكْعَتَيْنِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيضَةِ ثُمَّ لِيَقُلْ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ، وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ، فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ، وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ، وَأَنْتَ عَلَامُ الْغُيُوبِ. اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي» أَوْ قَالَ: «عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ، فَاقْدُرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي، ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي» أَوْ قَالَ: «عَاجِلِ أَمْرِي وَآجِلِهِ، فَاصْرِفْهُ عَنِّي، وَاصْرِفْني عَنْهُ، وَاقْدُرْ لِي الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ، ثُمَّ رَضِّنِي بِهِ». قَالَ: وَيُسَمِّي حَاجَتَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

730. Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондан сурани ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот шундай дер эдилар: **«Қачон бирортангиз бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намоздан бошқа икки рақъат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳим! Албатта, мен Сенинг илминг ила истихора* қиламан. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сенинг улуғ фазлингдан сўрайман. Чунки Сен қодирсан, мен қодир эмасман. Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайбларни ниҳоятда билувчи Зотсан. Аллоҳим! Агар ушбу иш менга динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар] яхши эканини билсанг, уни менга тақдир қилгин, менга осон қилгин, сўнгра уни мен учун баракали қилгин. Агар ушбу иш мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар] ёмон эканини билсанг, уни мендан буриб юбор, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса**

ҳам яхшилиқни тақдир қил. Сўнгра мени унга рози қил», десин ва ҳожатини айтсин».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Истихора сўзи луғатда «яхшисини сўраш, танлаш» деган маънони билдиради. Истилоҳда эса мусулмон киши икки ишдан қай бирини танлаш ёки бажаришга иккиланиб қолганида Аллоҳдан танлаб беришини сўраши, ўз қисматини Аллоҳга топшириши «истихора» дейилади. Ишларнинг яхшиси, мақбулини танлаш учун ўқиладиган икки рақъат нафл намоз «истихора намози» дейилади.

Истихора дуосининг ўқилиши: «Аллоҳумма, инний астахируука би ғилмик. Ва астақдирука би қудротик. Ва ас'алука мин фадликал ғазийм. Фаиннака тақдиру, ва лаа ақдир. Ва таъламу, ва лаа аълам. Ва анта ғаллаамул ғуйууб. Аллоҳумма, ин кунта таъламу анна ҳаазал амро хойрун ли фий дийний ва маъаший ва ғақибати амри - ғажили амрий ва ғаажилиҳи - фақдурҳу лий ва ин кунта таъламу анна ҳазал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва ғақибати амрий - ғажили амрий ва ғаажилиҳи - фасрифҳу ғанний васрифни ғанҳ. Вақдур лийал хойро ҳайсу каан, сумма роддиний биҳ».

Ушбу намозни ўқигандан кейин мазкур иш ҳақида ўйламай, Аллоҳ ихтиёр қиладиган нарсани кутиб юради. Кейин кўнглига тушиб, ўзига маъқул бўлиб, қилгиси келиб қолса, қилади. Бу ҳақда туш кўриши ҳам мумкин. Агар иш бир тарафга бўлмаётган туриб қолса, истихора намозини яна қайтадан ўқийди. Қайта ўқиш етти мартагача бўлиши мумкин. Истихора намозининг биринчи рақатида Фотиҳа сурасидан кейин Кофирун сурасини, иккинчи рақатда Ихлос сурасини ўқийди.

Кўриниб турибдики, истихора намози ҳам бошқа намозлар каби бандани Аллоҳ таолога боғловчи омилдир. Бир ишни қилмоқчи бўлганда Аллоҳ таолонинг ўзига ёлвориб, яхши йўл кўрсатишни сўрашдир. Бу маъно эса, мусулмон киши ҳаётида намознинг ўрни қанчалар муҳим эканини яна бир бор кўрсатади. Мусулмон киши ҳатто қиладиган дунёвий ишида ҳам дунёнинг холиқи ва бошқарувчиси Аллоҳ таолонинг ўзидан маслаҳат сўраш имконига эга. Намоз ўқимайдиганлар эса, бу улуғ саодатдан бебахрадилар, улар шайтоннинг маслаҳати билан иш қилишга мажбурдилар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

